



ХИЗМАТ КҮРСАТИШ СОҲАСИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНИГИ

Кудратова Ирода Турдибаевна

Тошкент давлат иқтисодиет университети Самарканд филиали асистенти

Аннотация

Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсир этувчи омилларга алоҳида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: аҳоли турмуш даражаси, турмуш сифати, талаб, истеъмол, аҳоли жамғармаси, иш ҳақи, аҳоли даромадлари, бўш вақт.

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакат ижтимоий – иқтисодий тараққиётига эришиш “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари” шиори остида рўй бермоқда. Шу маънода, ҳар қандай ҳодиса, тушунча ёки атаманинг ўзига хос шаклланиш жараёни бор. Янги Ўзбекистон феномени ҳам бундан мустасно эмас. Ушбу тушунча мамлақатимизнинг замонавий қиёфасини шакллантириш, юртимизда демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасидаги ислоҳотларимизнинг таянч гоясини ифода этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир”. Ана шундай янгиланиш даврида нима бўлганда ҳам иқтисодиётимизнинг орқада қолишига имкон бермаслик чораларини кўришимиз лозим. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2024 йилда амалга ошириш натижалари оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, интернет тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилиши, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган барча тадбирларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги холис ва тўлиқ маълумотлар аҳолига тезкорлик билан

етказилиши таъкидланди. Ушбу вазифани бажариш учун хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга тўғри келади. Мамлакат ялпи ички маҳсулот таркибида хизматларнинг улуши салмоқли даражага эга.

Адабиётлар шарҳи. Хизмат кўрсатиш деганда кўз олдимизга маълум бир шахснинг иккинчи бир шахс (давлат)га утказаётган меҳнати тушунилади. Аммо уни назарий жиҳатдан таҳлил қилинса, бу ўзининг таърифига эга. Бу борада олимларимиз асарларига эътиборни қаратилса, улар турли қарашларга эга эканлигига гувоҳ бўласиз. Жумладан, Мухаммедов М.М. хизмат кўрсатишни қўйидагича изоҳлайди: “Хизмат кўрсатиш соҳаси ахолининг соғлигига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи-ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, ўз ҳаётидан розилик даражаси ва хурсандлигига, умуман ишлаб чиқариш кучларининг ҳаёти ва тараққиётига бевосита ва сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган соҳа”¹ деб таъриф берганлар. Қ.Ж.Мирзаев хизмат кўрсатишга қўйидагича таъриф берганлар. Хизмат кўрсатиш дейилганда инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларида юзага келадиган истеъмол эҳтиёжи ва моддий-маънавий манфаатларини қондиришга қаратилган даромад олиб келувчи ҳаракати, фаолияти тушунилади.²

Тадқиқот методологияси. Изланишларимиз натижасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш, яъни, ҳар қандай жамиятнинг энг бебаҳо ресурсларидан бири бўлган меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш масалаларига алоҳида тўхталиб, келажакда ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушкини янада ошириш бўйича илмий хulosалар ва таклифлар берилган. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида абстракт фикрлаш, иқтисодий-статистик таҳлил каби усувлардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Юқорида келтирилган таърифлар бир бирини тўлдирсада, инсоният тарихида хизмат кўрсатишнинг ривожланиш даврига

¹ Мухаммедов М., Урунбаева Ю. П. ва бошқалар “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари”- С.: Зарафшон 2017.-299 б.

² Қ.Ж.Мирзаев. М.Қ Пардаев “Хизматлар соҳалар иқтисодиёти” "IQTISOD-MOLIYA" 2014. - 376 б. 149-б





назар ташласак, хизмат кўрсатиш кишилик жамияти пайдо бўлгандан бошлаб инсон кундалик фаолиятида узлуксиз тараққиётни таъминлаш, уни такомиллаштириш борасида доимий ҳаракатда, ижодда ва шу асосда барча эҳтиёжларини қондиришга эришиш мақсадида фойдаланиб келинган. Шунинг учун ҳам хизматни фалсафий категория сифатида қаралиб, унинг жараён эканлигини, жараённи эса ҳаракат деб билиб, оддий эмас, балки кишилик жамиятининг ривожланишига, равнақ топишига қаратилган ҳаракат деб қараш лозим. Шуларни инобатга олиб биз қуйидагича таъриф беришни лозим топдик. Хизмат кўрсатиш – бу аҳоли ҳар бир қатламишининг (эҳтиёж сезганда) моддий-маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган кўрсатилиши лозим бўлган фаолиятдир³.

Инсон истеъмоли учун зарур бўлган ноз-неъматларнинг деярли ҳаммаси инсон меҳнати туфайли, унинг ақлу-заковати воситасида яратилади. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг фаолияти, мақсад ва интилишлари жамият манфаатларига мос келган тақдирдагина, меҳнатга лаёқатли ҳар бир киши ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол, самара билан, астойдил иштирок этгандагина, жамият олдида қўйилган ҳар қандай мураккаб вазифаларни ҳал этиш мумкин. “Олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, - деб таъкидлади Ш.М.Мирзиёев, - бу барчамизнинг муқаддас бурчимиздир”⁴. Демак, аҳолининг меҳнатдаги фидоийлиги, фаоллиги мамлакат тараққиётининг бош омили ҳисобланади.

Табиийки, янги иқтисодий тартибот, бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизим ҳам ўзига хос камчилик ва нуқсонлардан бутунлай холи эмас. Бу хусусдаги илмий қарашлар иқтисодиёт соҳасидаги адабиётларда кенг эътироф этилган. Уларнинг тафсилотларига берилмасдан, тадқиқотимиз мавзуудан келиб чиқсан ҳолда, янги иқтисодий тизимнинг жамиятнинг барча

³ Урунбаева Ю. П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография. Тошкент.: «ФАН», 2013.- 156 б.

⁴ Prezident Shavkat Mirziyoyevning Respublika Maʼnaviyat va maʼrifat kengashining kengaytirilgan majlisidagi nutqi. “MAʼNAVIYAT HAYOTIMIZDA YANGI KUCH, YANGI HARAKATGA AYLANISHI KERAK”Xalk soʼzi 2023 yil 23 dekabr, №274(8617) 2 bet.

аъзолари учун, унинг ҳаёт фаолияти ва меҳнатининг барқарорлигига маълум бир хавф-хатар, таҳдид соладиган ишсизлик омилини ҳам олиб келганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Аҳоли турмуш даражасини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни бекиёс. Бу соҳа айниқса, илк бор иш қидираётган ёшлар, меҳнат тажрибаси етарли бўлмаган, юқори малакага эга бўлмаган аҳоли қатламлари учун ишга жойлашиш учун қулай. Ишлаб чиқариш соҳасида турли сабабларга кўра ишсиз қолганларнинг айнан хизмат кўрсатиш соҳасида фойдали иш билан банд бўлиш имконига эга эканлиги ишсизликнинг кундалик, амалий муаммоларини ҳал этишда эътиборга олиниши, қолаверса айнан шу имкониятдан унумли фойдаланиш лозим.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини ошириш, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида бандликдан олинадиган даромадларни аҳоли даромадларининг асосий манбаига ҳамда унинг турмуш даражасини шакллантиришнинг муҳим омилига айлантириш имкониятларини ишлаб чиқиши талаб этади. Ушбу муаммонинг долзарблиги ва ўта муҳимлиги мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида ишга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш зарурияти, меҳнат бозорида талаб ва таклиф ўртасида номутаносибликтининг сақланиб турганлиги билан белгиланади.

Меҳнатга лаёқатли ҳар бир кишининг ижтимоий ишлаб чиқаришда, турли-туман ноз-неъматлар яратишида фаол иштирок этишини тўла таъминлай олган, аҳоли фаоллигини оширишнинг самарали механизмларини яратиб, улардан иқтисодий юксалишнинг амалий вазифаларини ҳал этишда унумли фойдалана олган жамиятгина тараққиётга юз тутади, ўз халқининг фаровон ҳаёт кечиришига эришади.

Сўнгги йилларда эришилган муваффакиятлар иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий йўналишларини кучайтириш имкониятини бермоқда, кишиларнинг турмуш даражасини яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, айниқса, давлат тамонидан моддий кўмак кўрсатишга муҳтожларнинг сонини пасайтириш учун зарур бўлган чораларни излаб топиши тақозо этмоқда. Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг муҳим омилига айланиб боради.

Жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар орқали истеъмол таркиби тобора ўзгариб, ундаги моддий ноз-неъматлар истеъмолининг максималлашуви аста-секин киши мукаммаллашиши учун зарур бўлган истеъмол турларини қўпайтиришга замин яратиб бермоқда.

Жамиятда бутунлай бошқача истеъмол тизими таркиб топмоқда, унинг таркибида ижтимоий, интеллектуал ва маданий истеъмолларнинг аҳамияти тобора кучайиб бормоқда, турмуш тарзини енгиллаштирадиган, уй хўжалигини олиб борища вақтни тежайдиган, ўқиш, дам олиш, соғлиқни сақлаш, спорт, саёҳат ва хоказолар учун маҳсулот ва хизматларнинг яна ҳам юқори сифатлисига талаб кучаймоқда, яъни истеъмоли тизимида одамлар ҳаёт тарзини ва сифатини оширишга кўмак берувчи ўзгаришлар рўй бермоқда.

Ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан яъни, аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати 6 фоиздан кам бўлмаган даражада бўлишини, инвестициялар эса ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан камида 30 фоиз бўлишини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларида қиймати 18 миллиард доллар бўлган 309 та йирик лойиҳалар ишга туширилиши, жумладан, 41 триллион сўмлик микромолия хизматлари кўрсатилиши, аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-куватланиши юқорида қайд этган фикрларимизнинг далилидир.

Ўзбекистон республикасининг узоқ муддатли ижтимоий-иктисодий сиёсатининг энг асосий мақсади – ижтимоий тенгсизликни пасайтириш ва бутун аҳоли турмуш даражасини узлуксиз кўтаришдан иборатdir.

Бозор муносабатлари қарор топиб борган сайин, маълум сабабларга кўра режали иқтисодиёт ҳал эта олмаган муаммолар, бинобарин, ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммоси ҳам узил-кесил ўз ечимини топиб боради. Бундан ҳар қандай жамиятнинг энг бебаҳо ресурслари – меҳнат ресурслари истисно эмас. Ушбу ресурслардан унумли фойдаланиш моддий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар сонининг кескин кисқаришига ва шу тариқа ишсизлар сафининг кенгайишига олиб келиши муқаррар. Бозор механизмлари ва уларнинг самарали амал қилиши туфайли моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг нисбий кисқариши оқибатида юзага келган ишсизлик муаммоси бошқа бир соҳа ва тармоқларни ривожлантириш эвазига ҳал этилади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида бундай соҳа

барча номоддий сохани, хусусан, ахолига бепул ва пулли хизмат кўрсатиш тармоқлари (социал таъминот, социал суғурта, савдо, умумий овқатланиш, туризм, соғлиқни сақлаш, транспорт, алоқа ва бошқалар) мажмуудан иборат. Дунё мамлакатлари, айниқса, иқтисодиёти ривожланган Ғарб давлатлари тажрибаси ҳам хизмат кўрсатиш соҳасининг жамият ижтимоий-иктисодий хаётида тутган ўрни ва роли юқори бўлиши лозимлигидан далолат беради. Инсон салоҳияти юқори даражада бўлган мамлакатларда 80 фоиз иш кучи хизмат кўрсатиш тармоқларида банд. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар барча иш кучининг қарийб ярмини, яъни 49,6 фоизини ташкил этади.

Хулоса ва таклифлар. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ахоли турмуш даражасига таъсирини тадқиқ қилиш натижасида бир қанча хулосаларга келинди ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Биринчидан, "хизмат кўрсатиш" иқтисодий терминига таъриф олимларимиз ўртасида турли қаралганлигини инобатга олиб, ушбу тушунчани назарий жиҳатдан тадқиқ қилган ҳолда, унинг таърифи такомиллаштирилди ва қуидагича ифодалаш тавсия қилинди: Хизмат кўрсатиш – бу ахоли ҳар бир қатламиининг (эҳтиёж сезганда) моддий-маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган кўрсатилиши лозим бўлган фаолиятдир.

Иккинчидан, ушбу соҳа (пандемия шароитида) илк бор иш қидираётган ёшлар, меҳнат тажрибаси етарли бўлмаган, юқори малакага эга бўлмаган ахоли қатламлари учун ишга жойлашиш учун қулай. Ишлаб чиқариш соҳасида турли сабабларга кўра ишсиз қолганларнинг айнан хизмат кўрсатиш соҳасида фойдали иш билан банд бўлиш имконига эга эканлиги ишсизликнинг кундалик, амалий муаммоларини ҳал этишда эътиборга олиниши, қолаверса айнан шу имкониятдан унумли фойдаланиш мумкин.

Учинчидан, Жамиятда бутунлай бошқача истеъмол тизими таркиб топмоқда, унинг таркибида ижтимоий, интеллектуал ва маданий истеъмолларнинг аҳамияти тобора кучайиб бормоқда, турмуш тарзини енгиллаштирадиган, уй хўжалигини олиб боришда вақтни тежайдиган, ўқиш, дам олиш, соғлиқни сақлаш, спорт, саёҳат ва хоказолар учун маҳсулот ва хизматларнинг яна ҳам юқори сифатлисига талаб кучаймоқда, яъни истеъмоли тизимида одамлар ҳаёт тарзини ва сифатини оширишга кўмак берувчи ўзгаришлар рўй бермоқда.



Тўртинчидан, Инсон салоҳияти юқори даражада бўлган мамлакатларда 80 фоиз иш кучи хизмат кўрсатиш тармоқларида банд. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар барча иш кучининг қарийб ярмини, яъни 49,6 фоизини ташкил этади.

Юқорида келтирилгани таҳлиллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали нафақат мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётiga, балки аҳолининг ҳар бир табақасининг яшаш шароитининг яхшиланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. “МАЪНАВИЯТ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК” Халк сўзи 2023 йил 23 декабрь, №274(8617) 3 бет.
2. Pirnazarovna, U. Y., & Mahmudovna, Q. Z. (2024). AHOLI TURMUSH DARAJASINI OSHIRISHDA KICHIK TADBIRKORLIKNING O ‘RNI. PEDAGOGS, 56(1), 59-69.
3. Урунбаева, Ю. (2016). Роль сферы услуг в социально-экономическом развитии страны. Экономика и инновационные технологии, (4), 38-46.
4. Уринбаева, Ю. П., Ҳимматова, Б. Б., & Уралов, Ш. А. (2019). АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ. In МОЛОДОЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ (pp. 472-475).
5. Урунбаева, Ю. П., Нуруллаева, Ш. И. К., Давлатова, Н. Б. К., Истамов, Ш. А. У., & Очилова, Ю. Т. К. (2019). Роль услуг в развитии инновационной экономики. Достижения науки и образования, (7 (48)), 15-17.
6. Урунбаева, Ю. П. (2023). РОЛЬ МАЛОГО БИЗНЕСА В РАЗВИТИИ СТРАНЫ. INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY, 1(9), 105-108.
7. Урунбаева, Ю. (2024). МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ-МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2(2), 644-649.
8. Урунбаева, Ю. П. (2024). ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНинг АҲАМИЯТИ. Ustozlar uchun, 56(1), 186-190.



9. Урунбаева, Ю. П. (2024). ХИЗМАТ КҮРСАТИШ СОҲАСИНИ-АХОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛИ. *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi*, 19(1), 166-171.
10. Урунбаева, Ю. П. (2024). МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ-ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОШ ОМИЛИ. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 43(3), 57-60.
11. Pirnazarovna, U. Y. (2019). The development of service sector is an important factor in creating new jobs and ensuring employment. *Academy*, (12 (51)), 32-38.
12. Urunbayeva, Y. P. (2019). THE ROLE OF THE SERVICE INDUSTRY IN THE FORMATION OF POSTINDUSTRIAL SOCIETY. In Colloquium-journal (No. 26-8, pp. 11-15). Голопристанський міськрайонний центр зайнятості= Голопристанский районный центр занятости.
13. Pirnazarovna, U. Y., & O'G'Li, A. S. H. (2019). The role of tourism services on raising the living standards of the population. *Вопросы науки и образования*, (18 (65)), 27-30.
14. Pirnazarovna, U. Y. (2020). The role of tourism in shaping the quality and standard of living of the population. *Academy*, (2 (53)), 13-15.
15. Umirzakova, M. I., & Baratova, M. I. (2021). THE ESSENCE OF THE SERVICE SECTOR AND THE SOCIO-ECONOMIC SIGNIFICANCE OF RAPID DEVELOPMENT TODAY. *Экономика и социум*, (11-1 (90)), 591-597.
16. Urinboeva, Y. P., Khasanovna, D. D., & Shodmonovna, S. C. (2021). THEORETICAL APPROACHES TO THE FORMATION OF LIVING STANDARDS AND SERVICES OF THE POPULATION. *International journal of trends in commerce and economics*, 11(1).
17. Pirnazarovna, U. Y., & Bakhodirovich, E. D. (2022). THE STANDARD OF LIVING OF THE POPULATION AND THE SERVICE SECTOR. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(4), 705-709.
18. Урунбаева, Ю. П. (2023). АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШДА ХИЗМАТ КҮРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ЎРНИ. "MODERN SCIENTIFIC RESEARCH: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS", 14(1).



19. Pirnazarovna, U. Y. (2023). Factors Affecting the Level of Population. *Miasto Przyszłości*, 34, 180-186.
20. Urumbaeva, Y. P., & Raximberdiyev, T. (2023). COMPREHENSIVE ANALYSIS OF POPULATION INCOME LEVELS. *JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE*, 2(11), 8-14.
21. Уралов, Ш. А., Нурматова, С. А., & Урунбаева, Ю. П. (2020). ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ как ГЛАВНЫЙ ФАКТОР РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ, ОСНОВАННОЙ НА РЫНОЧНЫХ ОТНОШЕНИЯХ. In *СТУДЕНТ ГОДА 2020* (pp. 105-112).
22. Pirnazarovna, U. Y. (2023). THE ROLE OF THE SERVICE SECTOR IN THE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY. *American Journal of Business Management, Economics and Banking*, 12, 20-25.
23. Pirnazarovna, U. Y., & Ismatjonovna, U. M. (2023). SOCIO-ECONOMIC IMPORTANCE OF THE SERVICE SECTOR. *JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE*, 2(6), 1-6.
24. Pirnazarovna, U. Y. (2023). Service Provision and Standard of Living of the Population; Interdependence. *Information Horizons: American Journal of Library and Information Science Innovation* (2993-2777), 1(10), 25-27.
25. Pirnazarovna, U. Y. (2024). THE IMPACT OF MUSEUM TOURISM ON ENHANCING QUALITY OF LIFE. *International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING*, 4(2), 359-363.
26. Pirnazarovna, U. Y. (2024). THE THEORETICAL FRAMEWORK FOR MUSEUM TOURISM DEVELOPMENT. *International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING*, 4(2), 355-358.
27. Уринбаева, Ю. П. (2016). Перспективы повышения уровня жизни населения на основе развития малого и частного бизнеса. *Научный альманах*, (11-1), 321-326.
28. Уралов, Ш. А., & Урунбаева, Ю. П. (2020). Теоретико-методологические проблемы развития сферы услуг. In *ИССЛЕДОВАТЕЛЬ ГОДА 2020* (pp. 116-123).
29. Pirnazarovna, U. Y. (2024). LABOR RESOURCES-INVALUABLE ASSETS. *International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING*, 4(2), 443-446.



30. Урунбаева, Ю. П. (2016). СФЕРЫ УСЛУГ И УРОВЕНЬ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ. In НАУКА СЕГОДНЯ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ И ПРИКЛАДНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ (pp. 97-99).
31. Урунбаева, Ю. П. (2016). Уровня жизни населения это социально-экономическая природа. In НАУКА СЕГОДНЯ: ФАКТЫ, ТЕНДЕНЦИИ, ПРОГНОЗЫ (pp. 58-60).
32. Урунбаева, Ю. (2016). Возможности увеличения свободного времени населения на основе развития сферы услуг. Экономика и инновационные технологии, (5), 88-93.
33. Урунбаева, Ю. П. (2020). НЕКОТОРЫЕ ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЕ. In Российская экономика: взгляд в будущее (pp. 180-185).
34. Урунбаева, Ю. П. (2013). Хизмат курсатиш соҳдси ва ахоли турмуш даражаси: узаро багликлиги ва ривожланиш истикболлари. Монография. Тошкент:«ФАН», 156.